

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги сизни Вазирлик тизимидаги бўш иш ўринларига таклиф қилади.

Сув хўжалиги вазирлиги тизимида ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” Қонуни ҳамда Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2025 йил 19 июндаги ПФ–95-сонли Фармони талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар) тўғрисидаги маълумотлар:

- “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексидан фойдаланган ҳолда “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик портали” (vacancy.argos.uz) дастурий-аппарат комплексига;

- Сув хўжалиги вазирлигининг расмий веб-сайтига ва ижтимоий тармоқлардаги эълон саҳифаларига жойлаштирилади.

Ёши, миллати, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ва мансаб мавқеидан қатъий назар, ўзларининг касбий, ишбилармонлик, шахсий ва ахлоқӣ фазилатлар ҳамда маълумот даражасига эга, шуниндек, давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш ҳуқуқи қонунчилик билан чекланмаган ва тегишли лавозимни эгаллаш учун малака талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Сув хўжалиги вазирлиги тизимида **очик мустақил танлов** орқали ишга қабул қилинади.

Бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар)га ишга кириш учун танловда иштирок этиш:

Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик портал (vacancy.argos.uz) орқали амалга оширилади.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар:
(71) 202-47-36